

**Микрофирма ва кичик корхоналарнинг қишлоқ хўжалиги
фаолияти танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
Услубий низом**

Микрофирма ва кичик корхоналарнинг қишлоқ хўжалиги фаолияти танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низом (кейинги ўринларда-Услубий низом) микрофирма ва кичик корхоналарнинг қишлоқ хўжалиги фаолияти статистик кузатувини ташкил этиш учун танланма тўпламни шакллантириш тартибини, ўрганилаётган асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш, шунингдек, танланма кузатув маълумотларини бош тўпламга тарқатиш ва кузатув натижаларини Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳаси бўйича тегишли йилнинг чорақлик яқунлари ҳисоб-китобларида қўллаш тартибини ўз ичига олган методик материал ҳисобланади.

Услубий низом асосий турдаги деҳқончилик, чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмлари, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалари бош сонлари тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш мақсадида тезкор бирламчи статистик маълумотларни йиғишни ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий ёндошувларини белгилайди.

Танланма кузатувларни ўтказиш механизми танланма кузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари бўйича ифодаланган ва давлат статистика органлари томонидан тегишли ҳисобот даврида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалари бош сонлари ҳисоб-китобларини амалга ошириш имконини берувчи ишончли статистик маълумотларни олиш учун мўлжалланган.

Мазкур Услубий низомни ишлаб чиқишда, Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги, хусусан, микрофирма ва кичик корхоналарга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлатлараро статистика қўмитаси (МДХ статистика қўмитаси)нинг методологик тавсияларидан, шунингдек, МДХ давлатларининг тажрибаларидан фойдаланилган.

Кузатувларни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган “Давлат статистика ишлари дастури” қонуний асос бўлиб ҳисобланади.

I боб. Умумий қоидалар

1. Микрофирма ва кичик корхоналарнинг қишлоқ хўжалиги фаолияти кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш, республика ва ҳудудлар даражасида статистик саволномада белгиланган муддатларда амалга оширилади.

2. Кузатувлар махсус статистик саволномаларни микрофирма ва кичик корхоналар томонидан ўзлари тўлдириши усулига асосланади ва танлаб олинган микрофирма ва кичик корхоналарнинг унда ихтиёрий равишда катнашиши асосида ўтказилади.

Агар кузатув ўтказиладиган кун дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, дам олиш кунидан кейинги биринчи иш куни кузатув ўтказиладиган кун ҳисобланади.

3. Статистик саволнома интернет тармоғи воситасида, eStat автоматлаштирилган ахборот тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади.

4. Кузатув даврида олинган маълумотлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича, туман ва шаҳарлар кесимида микрофирма ва кичик корхоналар фаолиятининг қуйидаги умумий кўрсаткичлари шакллантирилади:

а) асосий турдаги қуйидаги қишлоқ хўжалиги экинларининг майдони ва йиғилган ялпи ҳосили:

- дон ва дуккакли дон экинлари;
- шу жумладан бошоқли дон экинлари;
- шундан буғдой;
- маккажўхори дон учун;
- шоли;
- дуккакли дон экинлари;
- картошка;
- сабзавотлар;
- озиқбоп полиз;
- мевалар ва резаворлар;

- узум.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг йиғиб олинган ялпи ҳосили асосий, такрорий, оралиқ, қатор оралиғи экинлари ва ёпиқ ерлардан дастлабки кирим қилинган вазнда йил бошидан ўсиб боровчи яқунда ҳисобга олинади.

б) асосий турдаги қуйидаги моллар ва барча турдаги паррандалар бош сони:

- йирик шохли қорамоллар;

- шундан сигирлар;

- қўй ва эчкилар;

- чўчқалар;

- отлар;

- паррандалар.

Моллар ва паррандалар бош сони саволномани тўлдириш кунига ҳисобга олинади.

в) асосий турдаги қуйидаги чорвачилик маҳсулотларининг етиштирилиши:

- гўшт, тирик вазнда;

- сут;

- тухум;

- жун;

- қоракўл тери;

- асал;

- овланган балиқлар.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмлари йил бошидан ўсиб боровчи яқунда ҳисобга олинади.

II боб. Микрофирма ва кичик корхоналар танланма тўпланини шакллантириш

5. Кузатувлар ҳар чоракда, яъни йилда тўрт марта, ҳисобот йилининг 1 апрель, 1 июль, 1 октябрь ва ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 январь ҳолатига кўра республиканинг қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар мавжуд бўлган барча туман ва шаҳарларида ўтказилади.

6. Ҳар бир туман, шаҳар бўйича танланма тўпланини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Қишлоқ

хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси томонидан амалга оширилади.

7. Микрофирма ва кичик корхоналарнинг танланма тўпламини шакллантириш учун **мунтазам (механик) танлаш усули**дан фойдаланилади. Мунтазам танлаш танланмани тузиш жараёнини яхшироқ кузатиш ва танланма тўпландаги хатоликлардан чекиниш имконини беради, шунингдек, географик тақсимотни таъминлаш хусусиятига эга.

8. **Танлаш ва кузатув бирлиги** бўлиб, фаолият юритаётган микрофирма ва кичик корхоналар ҳисобланади.

9. Танланма тўпламни шакллантиришда тўлдирилган саволномалар натижасида олинadиган маълумотларнинг ишончлилиқ даражаси ҳисобга олинади. Танланма тўпламни шакллантириш учун асос сифатида ўрганиладиган маҳсулот турларини етиштирувчи ва ўрганиладиган турдаги моллар ва паррандалар бош сони мавжуд бўлган барча фаолият юритаётган микрофирма ва кичик корхоналарнинг сонидан (бош тўплам) фойдаланилади.

Бош тўплам бу - ўрганиш мақсадига мос келадиган, ўрганилаётган объектнинг истисносиз барча бирликлари тўплами .

Танланма тўплам (танланма) бу - махсус усул билан танлаб олинган ва жами бош тўпламни тавсифлаш учун мўлжалланган бош тўплам бирликларининг бир қисми.

10. Микрофирма ва кичик корхоналарнинг танланма тўпламини шакллантириш биринчи чорак, яъни йилнинг 1 апрель кузатувлари учун алоҳида амалга оширилади. Кейинги чорақлар учун, яъни 1 июль, 1 октябрь ва 1 январь кузатувлари учун танланма тўплам биринчи чорак кузатувларидан фарқли ўлароқ барча учта чорак учун алоҳида умумлаштирилган кўринишда, ротациясиз, яъни кузатиладиган микрофирма ва кичик корхоналарни алмаштирмасдан шакллантирилади.

11. Чорвачилиқ бўйича биринчи чорак кузатувлари учун шакллантирилган танланма тўпламдан барча тўртта чоракда ротациясиз фойдаланиш мумкин.

12. Бош тўпландаги микрофирма ва кичик корхоналарнинг сонини аниқлаш учун тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар томонидан статистика органларига тақдим этилган “Микрофирма ва кичик корхонанинг

қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот” давлат статистика ҳисоботи, ҳамда Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР) маълумотларидан фойдаланилади.

13. Агар кузатув ўтказиладиган йилда янгидан ташкил этилган қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналарда кузатув даврида ўрганиладиган турдаги маҳсулотлар ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалари сони тўғрисидаги маълумотлар маълум бўлса, бундай субъектларни танланма тўпламга киритиш мумкин.

14. Танланма тўпламнинг электрон рўйхати ҳар бир кузатув даври учун яъни, чораклар бўйича ҳудудий статистика органларига юборилади ва Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтига ҳамда дастурий таъминотга жойлаштирилади.

15. Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш схемаси мазкур Услубий низомнинг 6-иловасида кўрсатилган.

§ 1. Биринчи кузатув чораги учун микрофирма ва кичик корхоналарнинг танланма тўпламини шакллантириш

16. Биринчи кузатув даври учун микрофирма ва кичик корхоналарнинг танланма тўпламини шакллантиришда айрим турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришдаги мавсумийлик омиллари ҳисобга олинади.

Йилнинг январь-март ойларида, яъни биринчи чорагида баҳорги экинларни экиш энди бошланаётган бўлади. Бу даврда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш билан ёпиқ ерлари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналар шуғулланади. Шунинг учун, деҳқончилик бўйича микрофирма ва кичик корхоналарнинг танланма тўпламини шакллантириш давомида шакллантириладиган рўйхатга фақат ёпиқ ерлари мавжуд бўлган субъектлар киритилади.

Бундан ташқари, рўйхатга картошка ва сабзавот экинларининг эрта пишар навлари экин майдонлари мавжуд бўлган микрофирма ва кичик корхоналарни киритиш мумкин.

Асал ишлаб чиқаришнинг мавсумийлигини ҳисобга олиб, бу даврда чорвачилик бўйича микрофирма ва кичик корхоналарнинг танланма тўпламини шакллантиришда олинган асал ҳажми ёки асалари уялари мавжуд субъектлар шакллантириладиган рўйхатга қўшилмайди.

17. Кузатувлар учун рўйхатни тузишда микрофирма ва кичик корхоналар кўрсаткичларнинг ўсиб бориши бўйича тартибланади (шартли мисоллар 1-, 2-, 3-иловаларда кўрсатилган).

Тартибланган қатор бу - танланманинг ўрганилаётган белгилари айрим бирликларини ўсиб ёки камайиб борувчи тартибда тақсимлашдир. Тартибланиш миқдорий белгиларни гуруҳлар бўйича осон ажратиш, энг кичик ва энг катта белгиларни дарҳол аниқлаш, энг кўп такрорланаётган белгиларни ажратиш имконини беради.

Дехқончилик бўйича танлаш асослари:

Тўпلام 1 – ёпиқ ер (иссиқхоналар, парниклар) майдонлари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўпلام 2 – картошка экин майдонлари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўпلام 3 – сабзаёт экинлари экин майдонлари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Чорвачилик бўйича танлаш асослари:

Тўпلام 4 – йирик шохли қорамоллар бош сони мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўпلام 5 – сигирлар бош сони мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўпلام 6 – қўй ва эчкилар бош сони мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўпلام 7 – чўчқалар бош сони мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўпلام 8 – отлар бош сони мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўпلام 9 – паррандалар бош сони мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўпلام 10 – овланган балиқлар ҳажми мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Демак, биринчи даврда микрофирма ва кичик корхоналарни кузатиш учун ўрганиладиган кўрсаткичларнинг сонига мувофиқ 10 та тўпلام шакллантирилади.

§ 2. Иккинчи, учинчи ва тўртинчи кузатув чораклари учун микрофирма ва кичик корхоналарнинг танланма тўпламини шакллантириш

18. Йилнинг иккинчи чорагидан қишлоқ хўжалиги экинларини очик ерлардан ялпи йиғиб олиш бошланади, шунинг учун иккинчи, учинчи ва тўртинчи кузатув даври учун микрофирма ва кичик корхоналарнинг танланма тўпламини шакллантириш пайтида мавсумийлик омиллари салбий таъсир қилмайди.

19. Кузатувлар учун рўйхатни тузишда микрофирма ва кичик корхоналар кўрсаткичларнинг ўсиб бориши тартибида тақсимланади (шартли мисоллар 2- ва 3-иловаларда кўрсатилган).

Дехқончилик бўйича танлаш асослари:

Тўплам 1 – дон ва дуккакли дон экинлари, жами экин майдонлари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 2 – бошоқли дон экинлари экин майдонлари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 3 – буғдой экин майдонлари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 4 – маккажўхори дон учун экин майдонлари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 5 – шоли экин майдонлари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 6 – дуккакли дон экинлари экин майдонлари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 7 – картошка экин майдонлари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 8 – сабзаёт экинлари экин майдонлари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 9 – озикбоп полиз экинлари экин майдонлари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 10 – мевалар ва резаворлар майдонлари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 11 – тоқзорлар майдонлари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Чорвачилик бўйича танлаш асослари:

Тўплам 12 – йирик шохли қорамоллар бош сони мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 13 – сигирлар бош сони мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 14 – қўй ва эчкилар бош сони мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 15 – чўчқалар бош сони мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 16 – отлар бош сони мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 17 – паррандалар бош сони мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 18 – овланган балиқлар ҳажми мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Тўплам 19 – олинган асал ҳажми ёки асалари уялари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати.

Демак, иккинчи, учинчи ва тўртинчи кузатув даврларида микрофирма ва кичик корхоналарни кузатиш учун ўрганиладиган кўрсаткичларнинг сонига мувофиқ 18 тадан тўплам шакллантирилади.

§ 3. Кузатувлар учун тартибланган рўйхатдан микрофирма ва кичик корхоналарни танлаш

20. Кузатувлар учун тартибланган рўйхатдан микрофирма ва кичик корхоналарни танлаб олиш 1-жадвал ёрдамида амалга оширилади, бу ерда микрофирма ва кичик корхоналарни уларнинг бош тўпламдаги сонига боғлиқ равишда гуруҳлаш, микрофирма ва кичик корхоналарни уларнинг бош тўпламдаги сонига боғлиқ равишдаги танлаш фоизи, танланма тўпламдаги субъектларнинг сони, танлаш оралиғи (қадами) келтирилган.

Танлаш қадами бош тўпламдаги birlikлар сонини танланма тўпламдаги birlikлар сонига бўлиш орқали қуйидаги формуладан фойдаланиб ҳисобланади:

$$\left(a = \frac{N}{n} \right),$$

бу ерда, a - танлаш қадами;

N - бош тўпلامдаги бирликлар сони;

n - танланма тўпلامдаги бирликлар сони.

21. Танланма сонининг кўпайиши танланма хатоликларининг камайишига олиб келади. Агар танланма сонини бош тўпلام сонигача олиб борилса, танланма хатоларини нолгача олиб келиш мумкин, танланма сонини ҳаддан ташқари камайтириш танланма хатоларининг кўпайишига олиб келади. Бирок, танланма фоизини ошириш иш ҳажмининг кўпайишига олиб келади, кўшимча харажатларни ва кўшимча вақт сарфлашни келтириб чиқаради.

22. Танланма тўпلام хатоликларининг олдини олиш ёки камайтириш мақсадида, кузатувларни ўтказиш учун микрофирма ва кичик корхоналарни танлаш пайтида танлов фоизининг 1-жадвалда келтирилган қулай варианты танланади.

1-жадвал

Кузатувлар учун тартибланган рўйхатдан микрофирма ва кичик корхоналарни танлаш

Т.р.	Микрофирма ва кичик корхоналарни уларнинг бош тўпلامдаги сонига (N) боғлиқ равишда гуруҳлаш, бирлик	Микрофирма ва кичик корхоналарни уларнинг бош тўпلامдаги сонига (N) боғлиқ равишда танлаш фоизи (w)	Танланма тўпلامдаги субъектларнинг сони(n), бирлик (4-устун = $2 / 100 * 3$)	Танлаш оралиғи (қадами) (a) $(a = \frac{N}{n})$ (5-устун = $2 / 4$)
1	2	3	4	5
1	1 - 50	100,0	50	-
2	51 - 100	50,0	50	2
3	101 - 150	33,0	50	3
4	151 - 200	25,0	50	4
5	201 - 250	20,0	50	5
6	251 - 300	17,0	51	6
7	301 - 400	13,0	52	8
8	401 - 500	10,0	50	10
9	501 ва юқори	5,0	-	-

23. Туман, шаҳарларда микрофирма ва кичик корхоналар сонининг ҳар хиллигини ҳисобга олиб, танланма тўпلامни шакллантиришда танлаш фоизи тегишли тумандаги ёки шаҳардаги уларнинг сонига муносиб равишда

аниқланади, бунда барча туман, шаҳарларда кузатиладиган микрофирма ва кичик корхоналарнинг тенг миқдордаги сони таъминланади.

Масалан, туманда буғдой экин майдонлари мавжуд жами 162 бирлик микрофирма ва кичик корхоналар мавжуд (бош тўплам), 1-жадвал маълумотлари бўйича мазкур туманда битта даврда кузатув ўтказиш учун танлаш фоизи 25,0 фоизни ташкил қилади, шу тарзда кузатувларни ўтказиш учун туман бўйича $41 (162 / 100 \times 25,0 = 41)$ бирлик субъект (танланма тўплам) танлаб олинади. Бундай ҳолатда танлаш қадами $(162 / 41 = 4)$ 4 ни ташкил қилади, бунда танлаш бошида рўйхатга “1” - тартиб рақами билан киритилган субъект танланади ва кейин ҳар 4-субъект танланади.

24. Кузатувларни ўтказиш учун микрофирма ва кичик корхоналар сонини аниқлаш тамойиллари 1 ва 2- жадвалларда ифодаланган.

25. Ҳар бир бош тўплам учун танлашнинг бошланиши биринчи танлов оралиғининг ўртасидир. Танлаш танловга “1” тартиб рақами билан киритилган субъектдан бошланади ва кейин танлаш оралиғига мувофиқ амалга оширилади (1-жадвал).

26. Агар рўйхатнинг охирида бир нечта субъект қолиб кетса ва уларнинг сони танлаш оралиғининг ярмига тенг ёки катта бўлса, унда рўйхатдаги охириги субъект танловга киритилади. Агар қолдиқ танлаш оралиғининг ярмидан кичик бўлса, унда охириги субъект танловга киритилмайди.

27. Бундан ташқари, 1-жадвалга қўшимча равишда, туман ёки шаҳарлардаги ёпиқ ер майдонлари (иссиқхоналар, парниклар) мавжуд бўлган микрофирма ва кичик корхоналар сонининг камлигини ҳисобга олиб, шунингдек, деҳқончилик бўйича танланма кузатув натижасида олинadиган ахборотларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида, тартибланган рўйхатдан биринчи кузатув даврида кузатувлар ўтказиш учун микрофирма ва кичик корхоналарни танлаш 2-жадвал ёрдамида амалга оширилади.

28. Ҳар бир тўплам бўйича тартибланган рўйхат тузилганидан сўнг танлаш фоизи, танланма тўпламдаги микрофирма ва кичик корхоналарнинг сони, танлаш оралиғи (қадами) аниқланганидан кейин ҳар бир ўрганиладиган кўрсаткичлар бўйича алоҳида кузатувлар учун микрофирма ва кичик корхоналарнинг **яқуний рўйхати (танланма тўплам (n))** тузилади.

Яқуний рўйхатда фақат кузатувлар ўтказилиши лозим бўлган микрофирма ва кичик корхоналар қолдирилади.

**Ёлик ер майдонлари (иссиқхоналар, парниклар) майдони
мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарни тартибланган
рўйхатдан кузатув ўтказиш учун танлаш**

Т.р.	Микрофирма ва кичик корхоналарни уларнинг бош тўпламдаги сонига (N) боғлиқ равишда гуруҳлаш, бирлик	Микрофирма ва кичик корхоналарни уларнинг бош тўпламдаги сонига (N) боғлиқ равишда танлаш фоизи (w)	Танланма тўпламдаги субъектларнинг сони(n), бирлик (4-устун=2 / 100 * 3)	Танлаш оралиғи (қадами) (a) $(a = \frac{N}{n})$ (5-устун = 2 / 4)
1	2	3	4	5
1	1 - 200	100,0	200	-
2	201 - 300	65,0	195	2
3	301 ва юқори	50,0	-	-

Якуний рўйхат Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича туманлар, шаҳарлар кесимида ва ҳар бир ўрганиладиган кўрсаткичлар бўйича алоҳида тузилади (шартли мисол 4-иловада кўрсатилган).

Якуний рўйхатга битта микрофирма ва кичик корхона бир нечта марта ўрганиладиган турли кўрсаткичлар бўйича тушиши мумкин.

III боб. Тайёргарлик ишлари

29. Тайёргарлик тадбирлари ва кузатувларнинг бориши мониторингини ўтказиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри статистика бошқармалари томонидан таъминланади.

Тайёргарлик ишлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ҳамда шаҳарлар даражасида электрон рўйхатга қўшилган барча микрофирма ва кичик корхоналарга хабарнома етказиш, саволномани тўлдириш бўйича кўрсатмалар бериш, кузатувнинг мақсади, вазифалари ва уни ўтказиш муддатлари тўғрисида тушунтиришлар бериш ишларини ўз ичига олади.

IV боб. Ахборотларни йиғиш

30. Ахборотларни йиғиш, қатъий равишда кузатувлар учун танлаб олинган микрофирма ва кичик корхоналарни қамраб олган ҳолда барча туман ва шаҳарлар бўйича амалга оширилади.

31. Саволномалар микрофирма ва кичик корхоналар томонидан қоғоз кўринишида тақдим этилганда бирламчи маълумотларни дастурга киритиш туман, шаҳар статистика бўлимлари ходимлари томонидан махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

32. Юқори фоизда саволнома саволларига жавоб берилмаслиги кузатувлар натижасига салбий таъсир кўрсатишини ва натижада маълумотларнинг тўлиқлиги принципи бузилишига олиб келишини ҳисобга олиб, ҳудудий статистика органлари микрофирма ва кичик корхоналар томонидан жавобларнинг энг юқори фоизини таъминлашлари учун уларга тегишли тавсия ва тушунтиришлар беришлари лозим.

33. Микрофирма ва кичик корхоналар саволномани тўлдиришдан бош тортган ҳолларда танловга қўшилган микрофирма ва кичик корхоналарни алмаштиришга йўл қўйилмайди.

V боб. Маълумотларни қайта ишлаш

34. Кузатув натижасида олинган ахборотлар, стандарт дастурий воситаларни қўллаш орқали қайта ишланади.

35. Кузатув натижаларини таҳлил қилиш ва зарур ҳолларда уларга тузатишлар киритиш ишлари бажарилганидан сўнг маълумотларнинг бирламчи базаси, микрофирма ва кичик корхоналар рўйхати ҳудудий статистика органлари томонидан Давлат статистика қўмитасига юборилади.

VI боб. Танланма кузатув маълумотларини бош тўпламга тарқатиш

36. Микрофирма ва кичик корхоналар кузатуви натижасида олинган маълумотларни бош тўпламга тарқатиш, туман, шаҳар даражасида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича автоматлаштирилган тарзда Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

37. Танланма кузатув маълумотларини бош тўпламга тарқатиш ҳар бир ўрганиладиган кўрсаткичлар бўйича алоҳида тартибланган рўйхатга мувофиқ, микрофирма ва кичик корхоналарнинг сонига нисбатан туман, шаҳарлар бўйича танлов фоизига мутаносиб равишда амалга оширилади (шартли мисоллар 5-иловада кўрсатилган).

Масалан, **Тўплам 1** – буғдой экин майдонлари мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган туман рўйхатига 162 бирлик микрофирма ва кичик корхоналар киритилган, шундан, кузатувлар учун 25,0 фоиз субъект ёки 41 бирлик танлаб олинган.

Кузатув ўтказилган 41 субъект бўйича умумий ҳажмда 165 центнер буғдой ҳосили олинган.

Йиғиб олинган буғдой ялпи ҳосили бўйича танланма тўплам маълумотларини бош тўпламга тарқатиш қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

$$Q = \frac{q*100}{w},$$

бу ерда Q – бош тўпламдаги буғдойнинг ялпи ҳосили ҳажми, центнер;

q – танланма тўпламдаги буғдойнинг ялпи ҳосили ҳажми, центнер;

w – бош тўпламдан танланма тўпламдаги субъектларнинг танлаш фоизи.

$$Q = \frac{165*100}{25,0} = 660,0 \text{ центнер.}$$

Демак, кузатув натижаларига кўра, туман бўйича бош тўпламдаги буғдойнинг ялпи ҳосили баҳолашга кўра 660,0 центнерни ташкил қилади.

38. Шу тарзда, кузатув маълумотлари бошқа тўпламларнинг тартибланган рўйхати бўйича алоҳида бош тўпламга тарқатилади.

VII боб. Маълумотларни чоп этиш ва тарқатиш

39. Микрофирма ва кичик корхоналарнинг қишлоқ хўжалиги фаолияти статистик кузатувлари натижалари бўйича умумий маълумотлар таҳлилий статистик жадваллар кўринишида, шунингдек, фойдаланувчиларнинг сўровлари, халқаро ташкилотлар сўровномалари бўйича тарқатилади ва Давлат статистика қўмитасининг веб-сайтига жойлаштирилади.

Микрофирма ва кичик корхоналарнинг қишлоқ
хўжалиги фаолияти танланма кузатувини ташкил
этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низомга
1-илова

**Тўплам 1 – ёпиқ ер (иссиқхоналар, парниклар) майдонлари
мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати
(бош тўпламдаги субъектлар сони (N))**

(шартли мисол)

Т/р.	Микрофирма ва кичик корхоналарнинг номи	ИФУТ -2	Умумий майдони, м ² , ўсиб борувчи тартибда
1			1
2			2
3			3
...			...
...			...
N			N

Изоҳ: микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича туман ва шаҳарлар кесимида тузилади.

Микрофирма ва кичик корхоналарнинг қишлоқ
хўжалиги фаолияти танланма кузатувини ташкил
этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низомга
2-илова

**Тўплам 2 – бўғдой экин майдонлари мавжуд микрофирма
ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати
(бош тўпламдаги субъектлар сони (N))**

(шартли мисол)

Т/р.	Микрофирма ва кичик корхоналарнинг номи	ИФУТ -2	Бўғдой экин майдонлари, гектар, ўсиб борувчи тартибда
1			1
2			2
3			3
...			...
...			...
N			N

Изоҳ: микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича туман ва шаҳарлар кесимида ва ҳар бир ўрганиладиган кўрсаткичлар тури бўйича тузилади.

Микрофирма ва кичик корхоналарнинг қишлоқ
хўжалиги фаолияти танланма кузатувини ташкил
этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низомга
3-илова

**Тўпلام 3 – йирик шохли қорамоллар бош сони мавжуд
микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати
(бош тўпلامдаги субъектлар сони (N))**

(шартли мисол)

Т/р.	Микрофирма ва кичик корхоналарнинг номи	ИФУТ -2	Йирик шохли қорамоллар бош сони, бош, ўсиб борувчи тартибда
1			1
2			2
3			3
...			...
...			...
N			N

Изоҳ: микрофирма ва кичик корхоналарнинг тартибланган рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича туман ва шаҳарлар кесимида ва ҳар бир ўрганиладиган моллар тури, паррандалар бўйича тузилади.

Микрофирма ва кичик корхоналарнинг қишлоқ
хўжалиги фаолияти танланма кузатувини ташкил
этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низомга
4-илова

**Кузатувлар учун танлаб олинган бугдой экин майдонлари
мавжуд микрофирма ва кичик корхоналарнинг якуний рўйхати
(танланма тўпلامдаги субъектлар сони (n))**

(шартли мисол)

Т/р.	КТУТ	СТИР	Микрофирма ва кичик корхоналарнинг номи	ИФУТ -2
1				
2				
3				
....				
....				
N				

Изоҳ: якуний рўйхат, яъни танланма тўпلام, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича туман ва шаҳарлар кесимида ва ҳар бир ўрганиладиган кўрсаткичлар бўйича алоҳида тузилади.

Микрофирма ва кичик корхоналарнинг қишлоқ
хўжалиги фаолияти танланма кузатувини ташкил
этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низомга
5-илова

**Танланма тўпلام маълумотларини оддий усулда, танлаш фоизига
мутаносиб равишда бош тўпلامга тарқатиш ҳисоб-китоби мисоли**

(буғдой асосида) *)

(шартли мисол)

Т/р.	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткич-лар маълумотлари	Ҳисоб-китоблар	Формулалар
1	Туман бўйича бош тўпلامдаги субъектлар сони (N), бирлик	162	-	N
2	Бош тўпلامдан танланма тўпلامга субъектларни танлаш фоизи	25,0	-	w
3	Танланма тўпلامдаги субъектларнинг сони (n), бирлик	41	$3 = 2 \times 1 / 100$	$n = \frac{w * N}{100}$
4	Танланма тўпلامдаги буғдойнинг ялпи ҳосили ҳажми, центнер	165,0	-	q
5	Бош тўпلامдаги буғдойнинг ялпи ҳосили ҳажми, центнер	660,0	$5 = 4 \times 100 / 2$	$Q = \frac{q * 100}{w}$

Изоҳ: *) Шу тарзда, кузатув маълумотлари бошқа тўпلامларнинг тартибланган рўйхати бўйича алоҳида бош тўпلامга тарқатилади.